



“25” декабр 2020 й. № 01-06/4193

**Ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгаларига, ташқи
реклама билан шуғулланувчи
реклама агентликларига**

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

Нусхаси:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли қарори билан ташқи реклама объектларини (конструкцияларни) жойлаштириш бўйича тартиблар тасдиқланган.

Жумладан, Ташқи реклама объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламенти тўғрисидаги Низомнинг 39 бандида – ташқи реклама объектини (конструкциясини) қуйидаги ҳолатларда ўрнатишга йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилган:

- ташқи реклама объектлари (конструкциялари) юзаси (ташқи сирти) ва уларнинг устуни автомобиль йўлларининг ҳаракат қисмига чиқишига;
- ташқи реклама объектлари (конструкциялари)нинг устуни ҳамда кичик ва ўрта ўлчамли форматдаги ташқи реклама объектлари (конструкциялари) юзаси (ташқи сирти) пиёдалар йўлакчасига чиқишига;
- катта ва жуда катта хажмдаги ташқи реклама объектлари (конструкциялари) устуни реклама юзаси (ташқи сирти)нинг тенг ярми қисмида ўрнатилмаган бўлса;
- бино ёки иншоотларнинг томларида, қурилиш баландлиги бинонинг ёки иншоотнинг умумий баландлигининг учдан биридан кўпроғига тенг бўлса;
- йўл ҳаракатини ташкил этиш учун мўлжалланган ҳар қандай қурилмаларда, тунги кўча ёритиш устунларида, йўл белгилари ва светофорларда, уларнинг устунларида.

Шу муносабат билан Сиздан, мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ушбу қарор талабларига мослаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширишингиз сўралади.

Директор



Э.Хайтметов